

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ХАМКОРЛИГИНИ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳатамов Камрон Нодир ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 306- гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф профилактика инспекторини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан бугунги кундаги аҳамиятини, мулкый турдаги айниқса ўғрилиқ жиноятини содир этилиш сабаб шароитларини кўрсатиб ўтиб мавзун илмий таҳлил қилган.

Калит сўзлар: *жамоатчилик билан ҳамкорлик, мулкый турдаги жиноятлар, ўғрилиқ, комплекс механизатсиялаш.*

АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор научно проанализировал данную тему, показав значение деятельности инспектора по профилактике в осуществлении профилактики правонарушений с населением, а также причин совершения имущественных преступлений, особенно хищений.

Ключевые слова: *сотрудничество с общественностью, имущественные преступления, хищения, комплексная механизация.*

ANNOTATION

Through this article, the author has scientifically analyzed the subject by showing the importance of the prevention inspector in the implementation of crime prevention with the general public, and the reasons for committing property crimes, especially theft.

Key words: *cooperation with the public, property crimes, theft, complex mechanization.*

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатишимиз мумкин. Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва умумэътироф қилинган халқаро ҳуқуқ андозалари даражасидаги миллий қонунлар яратишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон қонунларни яратишда халқаро ҳуқуқ меёрларининг устуворлигини тан олди ҳамда буни етмишдан ортиқ халқаро Декларатция ва Конвенцияларни

ратификация қилиш ва улардаги асосий ғояларни қонунларга сингдираётганлиги билан исбот қилди. Жиноят қонунчилигида иқсодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий тасир чораларин қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жақвобгарлик тушунчасини замон талабларига мос равишда ижро этишга асосланган янгича ёндашувлар илгари сурилади.

Талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ичида ўғирликни кенг тарқалганлигини, бунинг натижасида ўзгаларга ва давлат иқтисодиётига катта жидий зарар этаётганлигини, буни янада чуқурроқ ўрганиб, олдини олиш чолраларини куриш давр талаби эканлигини этиборга олиб, мазкур мавзунини таҳлил қилиш зарурати мавжуд.

Мулкка қарши содир этиладиган жиноятларни чиқарувчи салбий маънавий-психологик ҳолатлар; жамиятнинг табақаланиши; аҳолининг кўп қисмида ҳуқуқий нигилизим психологиясининг тарқалганлиги, иқтисодиёт соҳасида хоҳлаган ишни қилиш эркинлигининг мавжудлиги; иқтисодиёт асосларига қарши хўжалик фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жазосиз қолиш психологиясининг мавжудлиги; « пулга ҳамма нарсани ҳал этиш мумкин» лигига ишончнинг мавжудлиги; аҳолини кўп қисмининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига психологиясининг тайёр эмаслиги; кўпгина бизнесмен, тадбиркорлардаги, айниқса ёшлардаги тез бойиб кетиш психологиясининг мавжудлиги; маълум аҳоли қисмида маънавий кадриятларнинг йуқолиши; бойлик ортириш ғоясининг тарғибот қилинишиларидир.

Бундан ташқари, қолаверса, ушбу мулкка қарши содир этиладиган жиноятларнинг ўсиб боришига уларга нисбатан ўз вақтида олдини олиш чора тадбирларини қўлламаслик, амалга оширмаслик натижасида ҳам келиб чиқади.

Ўғирлик қилиш жиноятларини олдини олишдаги асосий ўрни уммуижтимоий даражадаги чораларга тегишлидир, яъни булар аввалом бор, ишлаб чиқариш соҳасининг усиши, халқни иш билан таъминлаш; иқтисодий самаралик ва ижтимоий тенглик балансига эришиш; халқнинг маънавий кадриятларни тиклаш ва мустаҳкамлаш.

Ўғирлик жиноятларини олдини олишга йуналтирилган умумижтимоий чора тадбирлар қуйидагилардан иборат деб хисоблаш мумкин; иқтисодиётни бошқариш тизимини такомиллаштириш; ишлаб чиқариш соҳасини техник жихатдан янгилаш ва жадалашган тарздаги шароитга ўтиш жараёнида янги технология ва техникадан фойдаланиш; комплекс тарзда механизатсиялашган ва автоматлаштирилган корхоналар, айниқса қишлоқ хужалиги ва қайта ишлаб чиқариш корхоналарнинг сифатини кўтариш.

Сабаб ва шароитлар бартараф этилмаса, нейтирилатсиялашга қаратилган махсус чоралар кўп ҳолларда суистемол қилшга қаратилган бўлиб, молия

хўжалик фаолиятлардаги амалга ошириладигон харакатларнинг амалга ошишга тўсқинлик қилиш ва жиноятлар содир этилишига йул очилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2014 йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонун. Манбаа: Lex.uz.сайти: <https://lex.uz/acts/-2387357>
2. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўқув қўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент 2017. 5-бет
3. О’згalar mulkini o’g’rilik, talonchilik va bosqinchilik bilan talon-taroj qilish jinoyat ishlari bo’yicha sud amaliyoti to’g’risida 30.04.1999 yildagi Oliy sud plenum qarori Manba Lex.uz sayti: <https://lex.uz/docs/-1448644>